



19.09.2018



ТОШКЕНТ вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам мурожаатларни жойида ҳал этиш мақсадида ҳудудларда фуқаролар иштирокида сайёр қабуллар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, сайёр қабуллардан бирида фуқаро Ахмеджон Шарипов Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чиноз туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб адлия бўлимига қилган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чиноз туман бўлими томонидан 1979, 1980, 1983, 1984, 1985 йиллардаги архив ихтиёрига топширилган иш ҳақи китобларида аризачининг исм-фамилияси кўрсатилмаган. Шу сабабли иш стажи инobatга олинмаган.

Ваҳоланки, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасида фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса ҳамда 1965 йилдан кейинги давр учун жамoa хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамoa хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамoa хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олиниши назарда тутилган.

А.Шариповнинг меҳнат дафтарчасида эса 1979 йил 15 мартдан 1989 йил 1 мартга қадар Чиноз туманидаги “С.Рахимов” ширкат хўжалигида тракторчи лавозимида фаолият кўрсатган бўлса-да, аммо бухгалтерия ҳужжатларида унга боғлиқ бўлмаган ҳолда фамилия ва исми кўрсатилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар асосида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Чиноз туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракати устидан маъмурий судга фуқаро А.Шариповнинг манфаатини кўзлаб киритилган даъво ариза суднинг

2018 йил 3 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан тўлиқ қаноатлантирилиб, пенсионернинг йўқотилган иш стажлари қайта тикланди.

Ойбек ҚАЮМОВ,

Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

475 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [“Хавфсиз пойтахт” концепцияси: ҳуқуқбузарликлар сони камайдими? \(2019 йил, 20 сон\)](#) [3]
- [Даъво аризадан сўнг фуқаро ишга тикланди](#) [4]
- [Ўқишни хоҳламаган ўқувчига контракт пули қайтариб берилди \(2019 йил, 20 сон\)](#) [5]
- [Ўтирган ўринни тозалаш керакми? Ёки булғаш? \(2019 йил, 20 сон\)](#) [6]
- [Тадбиркор муаммоси янада қисқа вақт ичида ҳал бўлади \(2019 йил, 20 сон\)](#) [7]
- [Давлат ва тадбиркор ўртасидаги мустаҳкам кўприк \(2019 йил, 20 сон\)](#) [8]
- [Иқтидорли фарзандлар қўллаб-қувватланади \(2019 йил, 20 сон\)](#) [9]
- [Бу тадбиркорга рағбат, тараққиётга имконият, демакдир \(2019 йил, 20 сон\)](#) [10]
- [Замонавий “изкувар” ёхуд Республика суд-экспертиза маркази фаолиятига бир назар \(2019 йил, 20 сон\)](#) [11]
- [Ўзбекистон адлия вазири IX Санкт-Петербург халқаро юридик форумида иштирок этди \(2019 йил, 20 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4174>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4174>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4174>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4809>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4808>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4807>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4806>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4805>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4804>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4802>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4799>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4798>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4797>